“ТОПИЛМАС МУШКУЛИ МЕН ҚИЛМАГАН ҲАЛ...”

О.МАДАЕВ

В статье освещена роль творчества Алишера Навои как поэта, ученого-филолога и мыслителя в становлении тюркоязычной литературы.

The article describes the role of the creative activities of Alisher Navoiy as a poet, scolar-philologist and great thinker in the process of formation and development of the Turkish literature.

Жаҳон халқлари адабиёти тарихида якка ижодкор томонидан яратилган асарларнинг муайян миллат сўз санъати ривожига беқиёс таъсир этишига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шекспир, Пушкин, Бальзак каби буюк адиблар ижоди адабиётшунослар томонидан айнан ана шундай баҳоланган. Алишер Навоий даҳоси томонидан яратилган маданий мерос ҳам XV асрнинг иккинчи ярмидаги ўша даврда туркий, бугунги кунда ўзбек деб аталаётган адабиётимиз ривожида алоҳида босқич даражасида қадрланмоқда.

Мумтоз адабиётимиз ривожида Алишер Навоий қаламига мансуб минглаб мисралар сифат жиҳатдан фақат олий мақомга эгалиги билан ажралиб туради. Зеро, сўз гавҳарининг буюк соҳиби Атойи, Саккокий, Лутфий ижодини хулосалади ва туркий адабиётнинг фавқулодда ривожини тўлиқ таъминлашга муваффақ бўлди. Адиб, аввало, адабий жараённинг ижтимоий моҳиятини белгилашда янгича ёндашди: янги ғоя ва мавзулар мажмуаси, тарихий шароит билан алоқадор жозибали образлар миллий тилнинг битмас-туганмас бойликларидан, бадиий тасвир воситаларидан заргарона самарали фойдаланиш эвазига дунёга келди ва бу яратувчанлик Алишер Навоийнинг шеъриятимиз осмонида абадий ёрқин юлдуз сифатида нур сочиш ҳуқуқига эга фарзанд эканини исботлади.

Аммо буюк ижодкорнинг асарлари билан яқиндан танишиш, ғоявий мазмундаги кашфиётларини, образ яратиш тизимини ўрганиш, айниқса, сўз гавҳари унумдорлигини таъминлашга бўлган ҳаракатларини баҳолаш шоирнинг ўз умрини муҳим бир ҳақиқатни исботлашга бағишлагандек тасаввур беради. Бу ҳақиқат бутун шарқ адабиётида ўзбек тилининг адолатсизлик билан камситилишига барҳам беришга интилишдан иборат эмасмикан, дея ўйлашга мажбур қилади. Муҳими шундаки, адиб бу ниятини амалга оширишда тилимизни камситаётган форсигўй шоирлар қайси йўналишда ўзларига эрк бераётган бўлсалар, худди ана шу йўналишларда ҳаракат қилишни лойиҳалаштирди. Лекин форсигўйлардан фарқли ўлароқ, Алишер Навоий тилимизни форс тилидан очиқдан очиқ афзал деб кўрсатмайди: кўп ҳолларда мавжуд ҳақиқатни таъкидлаш, далиллаш билан чекланиб қўя қолади. Фикри ожизимизча, буюк адиб назарда тутган масалаларни қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбек тилида лирик асарлар яратиш имкониятининг чегараланмаслиги.

2. Маснавий – достон жанрида ижод қилиш самарадорлиги беқиёс эканлиги.

3. Ўзбек тилида илмий асарларни ёзиш мумкинлиги.

4. Тилшунослик соҳасида тилимизни ўрганиш тажрибасини кўрсатиш зарурати.

Маълумки, Шарқда форс адабиёти намояндалари барча туркий тилларни, хусусан, Навоий назарда тутган ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таърифидаги “Андижон шевасига рост” туркий тилни назмий асарлар яратишда имконияти чекланган деб ҳисоблаганлар. Алишер Навоий ижод қилишни бошлаган нуқтада унга ҳам форсийда лирик асарлар ёзиш қулайроқ туюлган бўлиши ҳақиқатдан узоқ эмас. Чунки чор-атрофда ўқилаётган назм намуналарида форсийдагилари устувор эди. Бироқ эндигина қўлига қалам олган Алишер ички туйғу овозига қулоқ солди. Ҳаваскор шоир пайтиданоқ туркийда қалам тебратиш муҳимроқ эканини ҳис қилди. Унинг ихтиёрида Рўдакий, Умар Хайём, Саъдий каби форс адабиётининг беназир шоирлари тажрибасини ўрганиш имкони бор эди. Ўзига табиат инъом қилган иқтидор самарасидан фойдаланиб, ўзлаштирган кўникмаларини она тилида ижод қилишга татбиқ этиш керак эди, холос. Шунинг учун ҳам лириканинг 16 жанрида гўзал асарлар яратди. Энг муҳим жанрлар ҳисобланмиш рубоий ва ғазал ижодига алоҳида урғу берди. Ҳатто рубоийнинг мазмун йўналишини кенгайтирди: Ватан, инсон, эзгуликнинг фалсафий моҳиятига оид мисралар хос ва таронайи рубоийлар шаклида вужудга келди. Шу билан бирга шоирнинг асосий диққати лириканинг шоҳ жанри – ғазалга қаратилди. Натижада 2600 та шаклан, мазмунан, ғоявий ва бадиий жиҳатдан мукаммал ғазаллар пайдо бўлди.

Алломалар ўз қарашларида буюк истеъдодни анъанавий мезонлар чегарасида ўлчаб бўлмаслигини қайта-қайта такрорлайдилар. Навоий асарлари орасида, айниқса, ғазаллар новаторликнинг

ёрқин намуналаридир. Алишер Навоийгача яшаган шоирлар ғазалда кўпинча ишқ-муҳаббат, яхшилик, ўз тақдиридан шикоят мавзуларидаги ҳис-туйғуларини ифодалаган бўлсалар, шоиримиз, аввало, бу мазмунни чуқурлаштирди, кенгайтирди ва айни пайтда янги-янги ҳаётий муаммоларни лирик намуналарга жалб этди. Унинг ғазалларида ижтимоий ҳаёт, инсонлар ўртасидаги муносабатлар шарҳи, инсон, адолат, Ватан каби тушунчалар акс этди. Назаримизда, Навоийнинг саройдаги фитна оқибатида Астрободга ҳоким қилиб жўнатилиши шоирга катта ҳаёт дарслиги бўлди. У ёзади:

Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш, не тонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар рухдек қироқ.

Байтда адиб ўзи яшаётган ижтимоий муҳитдаги бош фожиага изоҳ берган. Подшоҳ атрофида хиёнатга мойил, ўзининг манфаатини ҳамма инсоний фазилатлардан юқори қўювчи шахсларнинг шахмат тахтасидаги қирол ёнида турувчи фарзинга ўхшатилиши бежиз эмас: фарзин шахмат тахтасидаги саккиз катак чегарасида тўғрига, ёнга, диагоналга ҳаракат қилиши мумкин. Фақат тўғри катаклар йўналишида ҳаракат қилувчи рухларни, яъни виждонли, адолатпарвар одамларни бўлса ҳокимлар шахмат тахтасидаги сипоҳларнинг жойлашиш тартибига кўра ўзларидан четда сақлайдилар. Навоийнинг буюклиги шундаки, мазкур байтда ифодаланган фикрни ҳаёт фалсафаси акс этган вазият сифатида қабул қилиш мумкин. Ғазалларидаги лирик қаҳрамон сифатида шоир сарой муҳитидаги фитначиларни фарзинга, ўзини эса ҳақиқатпарвар бўлгани боис шахмат тахтасидаги тўғри йўлдан ҳаракат қилувчи рухга қиёсламоқда ва Астрободга ҳоким қилиб она диёрдан четлатилишини далилламоқда. Навоий ғазаллари аввалги адиблар ижодидан фарқли равишда якпоралиги, воқеабандлиги, мусалсаллиги билан ҳам ажралиб туради. Ғазалнинг матласидаги дастлабки фикр кейинги байтларда мазмунан ривожлантирилади, аксари ҳолатларда мантиқий якунига етказилади. Жумладан:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борки, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай

байти билан бошланувчи ғазал бир кўришда инсон қадри, қалбини улуғлашга бағишлангандек туюлади. Маълум даражада бу ҳақ гап. Аммо ғазалнинг кейинги мисралари билан танишсак, “кўнгли бузуқ”, яъни изтиробга тушган кимса бевосита шоирнинг ўзи эмасмикин, деган мулоҳаза пайдо бўлади. Асар яратилган вазиятда айнан шоирнинг ўзи руҳий ёрдамга муҳтож инсон бўлиб тасвирланади. Турмуш изтироби унга одамзот табиатидаги худбинликларни фош қилиш ҳуқуқини беради:

Одам авлодида камдир одамийлик шеваси,
Одам эрмас, улки майли одамизот айлагай.

Бу байтда “одам” ўзакли сўз тўрт марта такрорланган. Шоирнинг бадиий маҳорати шундаки, бир ўзакдаги сўзнинг қайта-қайта такрорланиши байт матнида мутлақо сезилмайди, мисралар ўқилганда китобхон ғашига тегмайди. Айни чоқда фикр марказида “одам” тушунчасига урғу берилаётгани диққатни тортади. Ҳар бир такрор ўзининг эстетик вазифасига эга бўлиб, мантиқий аҳамият касб этади. Биринчи мисрада одам қиёфасидаги кўпчилик ҳақиқий инсон фазилатларига эга эмаслиги айтилган. Бу ўринда, тахмин қилиш мумкинки, гап асосан сарой муҳити ҳақида бормоқда. Иккинчи мисрада кимки манфий баҳоланган кўпчилик қаторида бўлса, у ҳам одам эмаслиги таъкидланмоқда. Ғазал билан яқиндан танишиш шоир бу асарни ҳаётидаги энг чуқур руҳий азобда қолган дамларда ёзганини кўрсатмоқда. Матладаги лирик тасвир такомиллашиб, инсон қадри ўз ватани билан боғлиқ экани қайд этилади. Ватандан ажралган шахс руҳсиз танга тенг қўйилади. Астробод шоир учун зулмат экани таъкидланади:

Беша ичра девлар мақтули ўлсин, эй парий,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

Ғазалнинг мақтаси дастлабки байтнинг ёзилишига сабаб бўлгани аёнлашди. Шоир яна бир бор Астрободга қадам қўйса, яъни бу жойдан кетса-ю, қайтиш лозим бўлса, девлар ҳамласидан парча-парча бўлишга тайёрлигини изҳор қилмоқда. Оқибатда ғазал ижодкор қалбидаги алам, азоб изҳори даражасига етмоқда.

Алишер Навоий ғазалларидаги яна бир янгилик байтларнинг бирида комил инсон ҳаётидаги фалсафий ҳукмнинг ифодаланиши билан белгиланган. “Қаро кўзим” ғазалида шундай мисралар бор:

Хазон сипоҳига эй боғбон, эмас мониъ
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Бу байтда гап гўё куз фаслида дарахт барглари-нинг сарғайиши ва табиатдаги бу қонуниятга боғбон қаршилик қила олмаслиги ҳақида кетаётгандек туюлади. Аслида шоир инсон умри чекланганлигини, улғайиб вақти етганда бу оламни тарк этишга мажбур эканлигини фалсафий жиҳатдан асослайди. Энг муҳими, шоир ўз фикрини “хазон”, “сипоҳ”, “боғбон”, “том”, “игна”, “тикан” каби оддий сўзлар воситасида моҳирона ифодалашга эришади. Шоирнинг бундай фалсафий хулосалари “Ким нисор этмакка шоҳи хурдадоне топмадим”, “Зулм ила эл жониға ўт ёқма, эй ким шоҳсен” каби мисраларда ҳам ўзининг ифодасини топган.

Шоир девонларини ўрганиш бадиий адабиётда

деярли учрамайдиган яна бир қизиқ ҳодисага йўлиқтиради. Гап шундаки, “Хазойин ул-маоний”даги 2600 та ғазал аниқ 4 қисмга бўлинган ва ҳар бир девонга 650 тадан ғазал киритилган. Қизиғи шундаки, бу девонларнинг ҳар биридаги араб алифбоси билан тугалланган ғазаллар сони ҳам бир хил. Хусусан, 39 та “алиф” ҳарфи билан тугалланган ғазаллар “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводируш- шабоб”, “Бадое ул-васат”, “Фавойид ул-кибар”да аниқ такрорланади. 27 та “бе”, 2 та “пе”, 20 та “те” ва ҳоказо тарзда 2600 та ғазалнинг якуний ҳарфларида муайян бир ҳисоб борлиги маълум бўлади. Натижада шоир ғазални ёзиш баробарида унинг қайси ҳарф билан тугалланишига ҳам эътибор берганига гувоҳ бўламиз.

Шундай қилиб, Алишер Навоий ғазал мулкининг султони унвонига лойиқ шоир даражасида форсийдагидек туркий – ўзбек тилида ҳам бу жанрга мансуб гўзал намуналар яратиш мумкинлигини исботлади.

Шарқ адабиётида достон жанрининг мукаммал намуналарини Фирдавсий, Ибн Сино, Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Жомийдек сўз санъатининг буюк намояндалари форс тилида яратганлар. Туркий тилдаги намуналарни Юсуф Хос Ҳожиб, Сайфи Саройи каби шоирлар ёздилар. Аммо XV асрга келиб Низомий Ганжавийнинг “Хамса”си шу қадар шуҳрат топдики, миллий тилдаги луғат бойлиги даражаси бевосита мазкур тилда шу номдаги асар яратилиши билан ўлчанди. Айниқса, Хусрав Деҳлавий, Жомий томонидан “Хамса”нинг форс тилида ёзилиши оқибатида бу тилнинг обрўйи янада ошиб кетди. Энди туркий тил тўғридан тўғри камситила бошланди. Алишер Навоийдек зийрак, ноёб истеъдод соҳиби она тилининг бундай камситилишига ўз муносабатини билдирмаслиги мумкин эмасди. Устози Жомий билан бўлган суҳбат бу ниятнинг амалга ошишига туртки бўлди, десак хато қилмаймиз. Навоий “Хамса”сини ўрганиш шоирнинг айнан Низомий Ганжавий бешлигига ўзбекча жавоб қайтариш орзусида эканини тўлиқ тасдиқлайди.

Аввало, достонларнинг номланишига эътибор берайлик: “Махзан ул-асрор” – “Ҳайрат ул-аброр”; “Хисрав ва Ширин” – “Фарҳод ва Ширин”; “Лайли ва Мажнун” – “Лайли ва Мажнун”; “Ҳафт пайкар” – “Сабъаи сайёр”; “Искандарнома” – “Садди Искандарий”. Айтмоқчимизки, Навоий ўз достонлари мавзусини буюк Низомий асарларига мослаб белгилайди. “Ҳайрат ул-аброр” достонида Низомийнинг устоз эканлигини тан олиб таъкидлайди ва унинг “Хамса”сини хазинага тенг кўради: “Хамса” дема, балки дегил панж ганж”. “Фарҳод ва Ширин” достонида хамсанавислар майдонида кураш олиб боришнинг мушкул экани таъкидланади. Бу анъана ҳамма достонларда қайтарилади. Аммо шу билан бирга шоир деярли ҳамма достонларини айнан туркий тилда ёзишга қарор қилганини қайта-қайта такрорлайди. Форсий тилни билмайдиган туркийзабон китобхоннинг “Хамса”дек буюк хазинадан баҳра олишга ҳаракат қилганини уқтиради. Ҳатто ўзининг бу соҳада исёнкор эканини ҳам эслатади. “Лайли ва Мажнун” достонидаги сўнгги байтда шундай дейилган:

Исёнима афв бўлғай омин,
Ёрабки, бу навъ бўлғай омин.

Достонлар матнида эса такрор ва такрор равишда асарни туркий тилда ёзганига урғу беради:

Чун форси эрди нуқта шавқи,
Озроқ эди анда турк завқи.
.....
Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
(“Лайли ва Мажнун”)

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.

Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
(“Фарҳод ва Ширин”)

Натижада, Алишер Навоий “Хамса”ни бунёд қилиш билан туркий – ўзбек тилининг ҳомийсига айланди. Ҳақиқатан, черик чекмай Хитойдан Хуросонгача яшаган туркийзабон элнинг маънавий тахтини эгаллади.

Низомий “Хамса”сига берилажак ҳар жиҳатдан муносиб жавоб вазнда ҳам намоён бўлиши керак эди. Алишер Навоий масаланинг бу нозик томонини ҳам эътиборсиз қолдирмади. Низомийнинг “Махзан ул-асрор”и арузнинг сариъи мусаддаси матвийи макшуф баҳрида ёзилгани учун Навоий ҳам “Ҳайрат ул-аброр”га ҳам шу баҳрни танлади. “Хисрав ва Ширин” ҳазажи мусаддаси маҳзуфда ёзилгани учун “”Фарҳод ва Ширин” ҳам шу баҳрда битилди. Ўз навбатида “Лайли ва Мажнун”нинг ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф, “Садди Искандарий”нинг мутақориби мусаммани маҳзуф баҳрларида ёзилиши бежиз бўлмади.

Навоий “Хамса”сидаги ижтимоий ҳаёт тасвирининг бадиий ифодаси фақат ўз даври китобхони учунгина эмас, балки бугунги кун учун ҳам ҳақиқий дорилфунун вазифасини ўтамоқда. “Ҳайрат ул-аброр”даги мақолатларни эса замон қомусига тенг кўриш мумкин. Хуллас, туркий – ўзбек тилида ёзилган “Хамса” ўз даври учун аждодларимиз яратган она тилимизнинг форс тилидан кам эмаслигини эълон қилувчи чақириқ бўлди. Ва бу чақириқ шу қадар жарангдор ва тантанавор эдики, устоз Абдураҳмон Жомий шогирди Алишернинг “Хамса”ни

форсийда эмас, туркийда ёзгани учун Аллоҳга шукрлар келтирди.

Шундай қилиб, буюк адиб бадиий ижоднинг ҳамма турлари ва жанрларида асар яратиш учун туркий – ўзбек тили имкониятлари ҳар жиҳатдан форс тилидан қолишмаслигини амалда исботлади. Минглаб мисралардан ташкил топган лирик асарлари, 6 та маснавийда ёзилган достонлари бу исботнинг рад қилиб бўлмас далили бўлди.

Энди адибимиз ўз ниятининг илмий асарлар соҳасида ҳам рўёбга чиқишини таъминлашга киришди. Маълумки, Навоийгача яшаган алломалар илмий тадқиқотларини араб тилида ёзишар эди. Ҳатто туркий тил ҳақидаги биринчи илмий тадқиқот “Девону луғотит турк” ҳам араб тилида яратилганди. Алишер Навоий бу вазифани ҳам ўзининг она тили фойдасига ҳал қилиш чорасини режалаштирди. XV аср адабиётшунослигига бағишланган мукаммал илмий тадқиқотлар муаллифи Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Мезон ул-авзон”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Рисолаи муаммо”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” каби ўнлаб асарларни туркий – ўзбек тилида ёзди. Таниқли шарқшунос олим Е.Э.Бертельс ўзининг Навоийга бағишланган рисоласида шоир қаламига мансуб 22 та ном билан асарлар рўйхатини келтиради. Шулардан бор йўғи иккитаси форсийда ёзилганини қайд этган [1.269-270]. Муҳими шундаки, илмий асарларда ҳам шоир туркий халқ, туркий тил билан боғлиқ фазилатларни алоҳида меҳр билан кўрсатган. “Мезон ул-авзон”даги шеърий матнларнинг ҳаммаси ўзбек тилида келтирилган. Хусусан, туюқни турк улуси айтиши, “Муҳаббатнома”нинг турк улусидаги бир сурудлиги, “чинга”ни турк улуси қиз кўчурур тўйларида айтиши, “ёр-ёр” лафзининг радиф ўрнига мазкур қилиниши ҳақида шошилмай, хафсала билан, ўрни келганда миллий ғурур билан маълумот беради. Бу саъй-ҳаракатларнинг ҳаммасини буюк Алишер Навоийнинг ўз халқи олдидаги фарзандлик бурчини адо этиши билангина изоҳлаш мумкин.

Бизнингча, шоир томонидан бажарилган бу ҳаракат аждодларимизда муомала воситаси бўлган тилимизнинг ҳозирги ўлчов билан белгилаганда адабий тил даражасида тан олинишига қаратилган эди. Аммо теран фикр соҳиби Навоий миллий тилнинг адабий тил мақомига эришиши тилшунослик фани бўйича олиб борилажак кузатувларсиз амалга ошиши мумкин эмаслигини ҳам руҳан ҳис қила олди. Умрининг охирларида (1499 йил, декабрь) “Муҳокамат ул-луғатайн” тадқиқотини тугатди. Унда шоир тилшунос олим сифатида туркий – ўзбек тилининг илмий жиҳатдан форсий тилдан қолишмаслигини исботлайди. Бу ҳақда таниқли олим Н.Маллаев шундай дейди: “Навоий бу асарида конкрет тил ҳодисалари асосида икки тилнинг луғат бойлиги, сўз ясалиши, фонетик таркиби, стилистикаси ва бошқа хусусиятларини ўзаро чоғиштириб, бойлиги ва бадиий имкониятлари жиҳатдан ўзбек тилининг форс-тожик тилидан қолишмаслигини исбот қилади ҳамда ўзбек тили сўз бойлиги ва бошқа айрим хусусиятлари билан форс-тожик тилига қараганда бир қатор устунликларга ҳам эгадир, деган хулосага келади” [2.562].

“Муҳокамат ул-луғатайн”да Навоий асарни ёзишдан назарда тутган мақсадини ўнлаб қиёсий мисоллар келтириш баробарида ўқувчига аниқ кўрсатиб беради. Бу мақсад она тилимизни аждодлардан бизга мерос бўлиб қолган маънавий хазина сифатида эъзозлашимиз зарурлиги билан белгиланади. Тилимиз бойлиги ҳисобланган ҳар бир сўзга ҳурмат билдириш, “Ва агар иккала тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди” пандини уқдириш зарурлигини таъкидлайди.

Хуллас, Алишер Навоий бутун умрини бадиий ижодга бағишлар экан, ўзига берилган беқиёс иқтидор орқали ўзбек тилини ҳимоя қилиш, уни пок ва мусаффо сақлаш, турли камситишлардан муҳофаза қилиш мақсадини ҳам намоён қила олди. Бинобарин, унинг замондоши Ҳусайн Бойқаро: “Мир Алишер... турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ киюрди... Анинг назми васфида тил косир ва баён ожиз турур”, [3.13]-деганида мутлақо ҳақ эди.

Адабиётлар:

1. Бертельс Е.Э. Наваи. - М.Л., 1948.- С. 269-270.
2. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи.- Т.: Ўқитувчи, 1976.- Б.562.
3. Ҳусайн Бойқаро. Рисола.- Т.: Шарқ, 1991.- Б. 13.

Ўзбекистон миллий университети,
2012 йил 4 январда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. Ҳ.Болтабоев)